



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (13.396)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ҚОЗОҒИСТОНГА КЕЛДИ

Остона, 22 март. ЎзА махсус мухбири А.САМАДОВ хабар қилади.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев
Қозоғистон Республикаси Президенти
Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан
22 март куни давлат ташрифи билан Остона шаҳрига келди.**

Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат бай-роқлари билан безатилган Остона халқ-ро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Давлатимиз раҳбарини Қозоғистон Республикаси Бош вазири ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 23 мартга белгиланган. Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилиниши, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро

масалалар юзасидан фикр алмашилиши мўлжалланган.

Президентимиз ташрифи доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Миллий саноат кўргазмаси, икки мамлакат ишбилармон доираларининг нуфузли делегациялари иштирокида бизнес-форум ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи якунлари бўйича давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро бир қатор муҳим ҳужжатлар, Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилган салмоқли шартномалар имзоланиши режалаштирилган.

ЎзА

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Ўзбекистон
Республикаси Мудофаа
вазирлиги ҳарбий
қисмларида мuddатли
ҳарбий хизматга
чақирилган
аскарларнинг тантанали
қасамёд қабул қилиш
маросимлари бўлиб ўтди.
Пойтахтимиздаги
“Ватанга қасамёд”
монументи пойида ҳам
шундай тadbир
ўтказилди.**



Ватан ҳимояси – муқаддас бурч

БУЮК АЖДОДЛАРНИНГ МУНОСИБ ВОРИСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари, мудофаага кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти марказий кенгаши раисининг ўринбосари М.Умаров, Тошкент ҳарбий округи кўшинлари кўмондонлиги, жамоатчилик вакиллари ва ота-оналар шу муносабат билан аскарларни қизғин табриклади.

– Фарзандларимизга бир умр халқимиз, Ватанимиз ва Президентимизга содиқ бўлишни тилайман, – дейди ЎзА мухбирига Фаргона вилояти Бешарик туманидан хизматга чақирилган оддий аскар Иброҳим Солижоновнинг онаси Руқия Баротова. – Ўғлим автомобиль йўллари коллежини битирди. Йигитлик бурчини ўтаб қайтгач, олий ўқув юрти-

да ўқишни давом эттиришни режалаштирган. Қишлоқдошларимиз ҳам Иброҳимга самимий табриklarини айтиб қўйишимни илтимос қилишди.

Илҳом Умаркулов Қашқадарё вилояти Касби туманидаги фермер хўжалигида тракторчи бўлиб ишлайди. Айни пайтда далада иш қизғин бўлишига қарамайдан, хўжалик жамоаси унга ўғлининг ҳаётидаги ушбу муҳим кунда унинг ёнида бўлиши учун пойтахтга бориб келишига руҳсат берди.

– Тракторим бирор кун ишсиз қолмайди, – дейди қулиб Илҳом ака. – Ҳозир ўрнимда иккинчи ўғлим Бобур ишлаб турибди. Тракторчилик касбига қизиқиши катта. Акасини аскарлар сафига қўшилгани билан унинг номидан табриклашимни айтди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фахрийлар ишлари бўйича марказий кенгаши раиси Ҳикмат Қосимов ҳам ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

– Бугун ўғилларимизнинг мустақил мамлакатимиз тинчлиги ва бунёдкор халқимиз осойишталиги йўлида садоқат билан хизмат қилишга тантанали қасамёди маросимида иштирок этаётганимдан хурсандман, – дейди Ҳаким ака. – Ўтган чорак аср давомида мустақиллик гоёси асосида тарбияланган, тинчлигимиз ва хавфсизлигимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир янги авлод вояга етди. Йигитлар янгилаш, яшариш байрами бўлган Наврўз умумхалқ аёми арафасида қасамёд қабул қилгани ҳам рамзий маънога эга.

Аблай КАМОЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент Жаноблари! Сиз билан учрашувимиз самарали бўлганидан гоё хурсандман, менга ва ҳамкасбларимга кўрсатилган самимий ҳурмат учун Сизга ва Ўзбекистон ҳукуматиға миннатдорлик билдирмаман. Ўзбекистондан қайтар эканман, мен ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистон билан банкимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганини қўллаб-қувватлашимизни алоҳида таъкидламоқчиман.

Сиз ЕТБ ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга тайёр эканингиздан миннатдорман. Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакат ва унинг халқ манфаатларига хизмат қиладиган, имкониятларни янада кенгайтириш ва тараққиётни таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга ошириш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга тайёрмиз. Сизнинг раҳнамолигингизда ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ЕТБнинг кўплаб устувор йўналишлари билан ҳамоҳанг. Стратегияда демократик жараёнлар ва фуқаролик жамиятини мустаҳкамлаш, иқтисодий эркинлаштириш, ишбилармонлик муҳити ва қонун устуворлигини тақомиллаштириш, шунингдек, қўшни давлатлар билан муносабатларни янада ривожлантириш муҳимлиги алоҳида эътибор қаратилганини таъкидламоқчимиз.

Мен ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари О.Раматов имзолаган Анг-лашув меморандумида қисқа муддатта мўлжалланган ҳамкорлигимиз акс этган. Шу давр ичида ҳукуматингизнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда ЕТБнинг мамлакатга доир ўрта муддатли стратегиясини биргаликда ишлаб чиқамиз. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик ва банк секторини қўллаб-қувватлаш, тезкор самарадорликка эришиш учун инвестиция муҳитини янада яхшилаш бўйича инвестицион, техник ва маслаҳатлашув лойиҳаларимизни қисқа фурсатларда ишга туширишни сабрсизлик билан кутамиз. Шу билан бирга, коммунал хизматлар, инфратузилма, энергетика ва бошқа соҳаларда узоқ муддат тайёргарликни талаб этадиган лойиҳаларни ҳам ишлаб чиқамиз.

Учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Ўзбекистон Стратегияда қайд этилган кенг кўламли ислохотлар дастурини амалга ошириш жараёнида ҳамкорлигимиз янада кенгайишига ишончим комил.

Лондонга борганимдан сўнг Директорлар кенгашига учрашувимиз ҳақида сўзлаб бераман ва яқин вақтларда Ўзбекистонга яна келиш ва Сиз билан учрашшни кутиб қоламан.

Самимият билан,

Сума ЧАКРАБАРТИ,
Европа тикланиш ва тараққиёт
банки президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2017 йил 22 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисини Олий Мажлис Сенати Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўққизинчи ялпи мажлисини шу йилнинг 28-29 март кунлари Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг тўққизинчи ялпи мажлиси кун тартибига мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ҳаётининг барча соҳасини босқичма-босқич ислох қилишга ҳамда эркинлаштиришга, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини рўёбга чиқаришга доир Давлат дастурини Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида ижро этишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг бир қатор қонунлари киритилмоқда.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги қонунига, “Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Ҳўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва

эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тadbирлар кўрилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бир қаторда ялпи мажлисда сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг), Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботларини эшитадилар.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама этилади.

Тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва девони фаолиятини мувофиқлаштириш учун тегишли ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенатининг Ахборот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сарийосиё туманида “Ҳаракатлар стратегияси дастури ва оммавий ахборот воситалари” мавзусида семинар бўлиб ўтди. Сурхондарё вилояти матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тadbирда вилоятдаги оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, журналистлар, шоир-ёзувчилар, ёш ижодкорлар иштирок этди.

• Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан сайёр қабул ва бевосита мулоқот ўтказилди. Учрашувда ҳарбийлар ва уларнинг оилаларига хизмат, муносиб яшаш шароити яратишга бевосита масъул бўлган ташкилот ва идоралар мутасаддилари иштирок этгани кўп масалалар шу ернинг ўзида ҳал этилишига имконият яратди. Бу ҳарбийлар ўртасида шундай учрашувларни тизимли йўлга қўйиш яхши самара беришини кўрсатди.

• Андижонда “Наврўз садолари” III халқаро танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ёшларнинг миллий мусиқа чолғуларимизга қизиқиши, бу борадаги билим ва кўникмасини ошириш мақсадида ўтказилган танловда вилоятдаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг кўп овозли халқ чолғулари ансамбл ва оркестрлари жамоалари иштирок

этиб, баҳорни тараннум этувчи куйлар ижроси бўйича истеъдод ва маҳоратини намойиш этди.

• Навоий вилояти Учқудуқ туманида Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди. Тўрт миллиард 300 миллион сўм маблағ эвазига бунёд этилган марказда 50 минг китоб фондига эга замонавий кутубхона, “Заковат” клуби, Ёшлар театри, бир неча тренажёр зали, интернет маркази ва турли йўналишдаги 11 тўғарак фаолияти йўлга қўйилди.

• Франк Вальтер Штайнмайер Германия президенти вазифасини бажаришга киришди.

• Кеча Англия пойтахти Лондон шаҳри марказидаги Вестминстер кўприги атрофида

амалга оширилган террорчилик ҳаракати оқибатида тўрт киши ҳаётдан кўз юмди, 40 дан ортиқ одам турли даражадаги тан жароҳати олди. Халок бўлганларнинг биттаси полиция ходими. Махсус операция чоғида яқка ҳолда ҳаракатланган террорчининг ўзи ҳам ўлдирилган. Ҳозирда шаҳарда хавфсизлик чоралари кучайтирилган, террорчилик хавфининг тўртинчи даражаси амал қилмоқда. Скотланд-Ярд вакилларининг таъкидлашича, қотил кимсанинг халқаро терроризмга алоқаси бўлиши мумкин.

• Россия ва Япония ўртасида газ ўтказгич бунёд этилиши масаласининг апрель ойида кўриб чиқиши маълум қилинди. Узунлиги 1,5 минг километрни ташкил этувчи, Сахалин-Токиога ораликдаги ушбу йирик лойиҳанинг қурилиши ўн йилгача давом этиши мумкин.

БОШҚАРУВ УСУЛЛАРИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Корпоратив бошқарув илмий-таълим марказида “Замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этиш – бизнесни самарали ташкил этиш гарови” мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, акциядорлик жамиятлари вакиллари, чет эллик экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.Хидоятов, парламент куйи палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси А.Шодмонов, Германия Молия вазирлиги масъул ходими Б.Кауэрс ва бошқалар корпоратив

бошқарувнинг замонавий усуллари ва стандартларини жорий қилишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар Ўзбекистондаги инвестициявий муҳит жозибдорлигини оширишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув усулларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони корпоратив бошқарув соҳасидаги қоидалар ва ёндашувларни тубдан қайта қўриб чиқиш учун муҳим асос бўлди.

Ўтган даврда давлат улуши бўлган корхоналарда ижро органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезон-

лари ишлаб чиқилди. Давлат ва ҳўжалик органлари улуши устун мавқега эга бўлган акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув кодекси жорий қилинди. Янги талаблардан келиб чиққан ҳолда “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳўмоия қилиш тўғрисида”ги қўнун ва бошқа меъёрий ҳўжатларга тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди.

2016 йилда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ва Европа менежменти ва технологиялари мактаби билан ҳамкорликда 200 дан зиёд акциядорлик жамияти ва корхона раҳбарлари учун икки босқичли ўқув курслари ташкил этилди. Юзга яқин тингловчи Германиянинг

етақки компанияларида малака оширди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги қўнунини лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Мазкур қўнун давлат мулкни бошқаришнинг тартиблаштирилган тизimini яратиш, давлат мулкни бошқаришни амалга оширадиган давлат органлари ваколатлари доираларини чегаралаш ҳамда соҳада давлат сиёсатини олиб бориш учун жавобгарликни оширишга йўналтирилган. У давлат мулкни самарали бошқариш асосларини, уларнинг ҳўқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликларини, давлат мулки сақлаб қолинадиган тармоқ ва соҳаларда давлат мулкни бошқариш таъминлаш, механизмлари ва мақсадларининг қўнуний асосларини янада тақомиллаштириш назарда тутилди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбири**

ТАРИХИЙ АДОЛАТНИНГ ЯНА БИР ТАНТАНАСИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 мартдаги “Тошкент ахборот технологиялари университетининг фаолияти янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ўқиб...

1996 йил, Париж. Биринчи Президентимиз Исрол Каримов ва ЮНЕСКОнинг ўша пайтдаги Бош директори Федерико Майор суҳбатда минглаб юлдузлар ҳаракатини ҳаммагун муқаммал астрономик жадал яратган буюк ватандошимиз Мирзо Улугбекнинг илмий мероси ҳақида гап кетди. Ушанда жаноҳ Майор “Улугбекнинг юлдузлар ҳаракатига оид ҳисоб-китоблари компьютер ёрдамида текшириб қўрилганда атиги бир неча дақиқага фарқ қилиши аниқланди”, дейди. Исрол Каримов унга жавобан “Ўй, жаноҳ Федерико Майор, Улугбек хато қилган бўлиши мўмкин эмас, балки компьютерлар хато қилган бўлиши мўмкин”, дейди.

Ғарби бу гап дўстона лўф тариқасида айтилган бўлса-да, унинг замирида чўқур ҳақиқат мўжассам. Ҳақиқат шунки, ўз Ватани тарихини муқаммал билидиган, улуг аждодлари номини юксак эъзозлайдиган давлат раҳбарлари дунёда камдан-кам бўлади. Боз устига тарихда бир сиёсий мероснинг, давлат ва жамият қўрилиши бўйича стратегик голларнинг катта ғайрат-шижоат билан мўносиб давом эттирилиши, ислохотларни янги, янада юксак босқичларга олиб чиқиши ҳам ўзига хос феномен, яъни ўта ноёб ҳодисадир.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Исрол Каримов маънавий тикланиш ва янгилаштириш ислохотларини улуг аждодларимизнинг муборак номи, бой мероси, хотираси ва тарихий сиймосини тиклаш асосига қўрган беҳиз эмас. Чўнки собиқ мустабид тузум даврида тарихий адолат бузилган, асл тарихимиз, аждодларимизнинг инсоният қиёласига қўшган мўносиб ҳиссаси қўратилмас эди. Шу боис ҳалқимизнинг ғурурини тиклашдан, одамларни янги марраларга руҳлантиришдан ва келажакда ишонтириш ислохотларини амалга ошириш қўйин эди. Зотан, ўзликни адолат тарихини билишдан бошланади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 15 мартдаги қарори билан Тошкент ахборот технологиялари университетига Муҳаммад ал-Хоразмий номи берилгани ана шундай улуг ишлар силсиласининг янги босқичи, ҳалқимиз ғурурини янада юксалтириш, улуг аллома аждодимиз номини абадийлаштириш, унинг буюк ва бебаҳо меросини кенг ўрганишда янги имкониятлар ашигини очди.

Бугун Тошкент ахборот технологиялари университети замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида қўри малакали мутахассислар тайёрлайдиган етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланади. Университетнинг Самарқанд, Фарғона, Қарши, Ўргач, Нукус филиаллари фаолият қўрсатмоқда. Университет ва унинг филиалларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, компьютер инжиниринг, дастурий инжиниринг, почта алоқа технологиялари каби ўнлаб таълим йўналишлари бўйича ўн мингдан зиёд талаба тахсил олмақда. Университетта улуг аллома ватандошимиз номи берилгани ёш авлодни Муҳаммад ал-Хоразмийнинг буюк ва бебаҳо меросини мўносиб давом-чилари этиб тарбиялашдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Шавкат Мирзиёев бу гога ва ташаббусни 2016 йил 11 ноябрда Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувда кенг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилган эди. Давлатимиз раҳбари “шу асосда ушбу университетнинг обрў-эътиборини ошириш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида биз билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган давлатлар, жумладан, Жанубий Корея билан Хоразмий бобомизнинг номи, унинг бебаҳо-илмий меросини янада чўқур ўрганиш ва дунёга тарғиб қилиш борасида янги бир қадам қўйган бўларди”, деб таъкидлаганди.

Ушанда Шавкат Мирзиёев барчамизнинг эътиборимизни дунёдаги машҳур “Би-би-си” компанияси тайёрлаган кичкина ҳужжатли фильмдаги бир фикрга қаратганини эслаш ўринли. Унда Буюк британиялик муҳбир ўзининг мобил телефонида кўрсатиб, “Мен ҳар сафар шу телефондан фойдаланганимда унинг ичиди мўжассам бўлган буюк ўзбек Муҳаммад Хоразмий даҳосига таъзим қиламан”, дейди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун қўри технологияларга асосланган замонавий ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида баҳариланган барча ҳисоблаш амаллари буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмийнинг илмий кашфиётлари асос бўлиб хизмат қилаётгани ҳаммамизга ғурур-ифтихор бахш этди. Миллодди 783 йилда Хоразмнинг маданият ва маърифат марказларидан бири – Хива шаҳрида таваллуд топган, буюк иқтидор, илм-фан тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси билан танилган Муҳаммад ал-Хоразмий ўз даврининг қўмусий алломаси сифатида эътироф этилади. Унинг илм-фан тараққиёти йўлидаги хизматлари эътиборга олинчи, ўша даврда “Байт ул-Хикма” – “Донишмандлар уйи” деган ном билан машҳур бўлган Маъруф академиясига раҳбар этиб тайинланган.

Муҳаммад ал-Хоразмий “ноль” рақамини ва ўлик санок тизимини, қўтлар координатларини биринчилардан бўлиб асослаб берган, амаллиғида таътиб этган. Алгебра фанига ва алгоритмлаштириш назариясига асос солган. Бу йўналишларда фундаментал маълумотлар, трактатларини илмий баён этиш қўдаларини ишлаб чиққан. Шу боис Шарқ олимлари орасида фақат Муҳаммад ал-Хоразмийнинг асарлари ва номи ҳақи равишда илмий давраларда фол қўйилган келинаётган “алгоритм” ва “алгебра” каби замонавий илмий атамаларда абадийлаштирилди. Президентимиз қарорига қўйилган 2018 йилда Муҳаммад ал-Хоразмий таваллудининг 1235 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланиши бу борадаги эзгу саз-ҳаракатларни янги босқичга олиб чиқади.

“Оқдан дарё асло тўхтамади”, дейди ҳалқимиз. Буюк алло-мларимизнинг шонли аънаналарини давом эттираётган, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган камол топаётган ёшларимиз сафди тобора кенгайиб бораётгани – Ўзбекистон ёшлари буюк боболаримизга мўносиб издош бўлаётганининг исботи.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашувда бу жихатта ҳам эътибор қаратиб, “Ўзбекистон Миллий университетининг математика факультети талабаси Ҳақимов Эгамберганов қатарасига ўй қўй – 2014, 2015, 2016 йилларда математика бўйича Европа мамлакатларида бўлиб ўтган халқаро фан олимпиадаларида олтин медални қўлга киритиб, Хоразмий бобомизнинг ҳақиқий набираси эканини исботлаб берди”, деб таъкидлади.

Ушар учрашувда Президентимизнинг Муҳаммад ал-Хоразмий номини абадийлаштириш борасидаги тақдирларидан бир қувонган бўлса, бугун бу улуг гога амалга ошаётганидан яна бир қарра ғурур туйдиқ, – дейди Ҳақимов Эгамберганов. – Асли математика, алгебра Ал-Хоразмийдан бошланади. Дунё илмида замонавий кибернетиканинг фунда-ментал тушуниши – “алгоритм” ҳам Ал-Хоразмий номига нисбат берилиши беҳиз эмас. У зот нақини ўз даври, балки барча замонанинг энг буюк математиги. 2015 йили Болгарияда ўтган халқаро олимпиадада қизик воқеа бўлган: математиканинг бир йўналиши – комбинаторикага оид масалани ечи-ди, менинг ечимимга ҳақамлар дастлаб ноль балл қўйди. Жуда ажабландим. Чўнки барчасини тўғри баъжарганим. Сўнг апелляцияга бердик. Яқунда масалани шу вақтга қадар фанда кам қўйилганига янги усулда тўғри ечанганини исботлаб бер-дим, олтин медал олдим. Шунда ҳақамлардан бир бепи-сандор сўради: “Сен бола, ўзи қаврдансан?” “Ўзбекистон-дан, Хоразмдан”, дедим хотиржам. Шунда унинг қўлариди узроқлик қўриди: “Ал-Хоразмийи юртиданмасан, бўлди, бошқа саволим йўқ”.

Президентимизнинг мазкур қарориди назарда тутилган барча тадбир мамлакатимизда иқтисодийнинг инновацион тараққиётини таъминлашда, илм-фан ва қадрлар тайёрла-нинг ролини қўнайитириш борасида амалга оширилаётган тизимли ишларнинг мантйқий давоми бўлиб, 2017-2021 йил-ларда мамлакатимизни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг муваффақ-иятли амалга оширилишида муҳим омилдир. Зотан, мамла-катимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси изчил мустаҳкамланган эртага ҳажон иқтисодиётда қандай вазит ўз бермасин, эл-юртимиз ўз йўлидан оғиймал, юк-сак тараққиёт ва фаровонлик сари соқитқадим илдамлаши-да мустаҳкам асос бўлади.

**УМИД ЁҚУБОВ,
ЎЗА шарҳловчиси**



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

ЯНГИ ФАРМАЦЕВТИКА КОРХОНАСИ ИШГА ТУШДИ

Мамлакатимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланаётган шу кунларда янги ижтимоий-иқтисодий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Пойтахтимизнинг Олмазор туманида қад ростлаган “Well med pharm” фармацевтика корхонаси шулардан биридир.

Янги корхона очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ўзфармса-ноат” акциядорлик концерни, давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, ишбилармонлар қатнашди.

“Ўзфармса-ноат” акциядорлик концерни бошқаруви раиси М.Дўстмуродов ва бошқалар тадбиркорлар ва ишбилармон-лар учун қўлайликлар, имконият ва имтиёзлар кенгаётгани фармацевтика саноати тараққиётида ҳам муҳим омил бўла-ётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 16 сен-тябрдаги “2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги ҳамда 2016 йил 31 октябрдаги “Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъмин-лашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида”-ги Қарорлари бу борадаги ишларда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

“Well med pharm” фармацевтика корхонаси Ҳиндистон-нинг “Shayana farm” фармацевтика компанияси билан ҳам-корликда ташкил этилди. Бунинг учун тўрт ярим миллион доллар миқдорида инвестиция жалб этилди.

Замонавий андозалар асосида таъминланган корхонада юқори технологик ишлаб чиқариш линияси ўрнатилган. Тех-нологик жараёнлар ва логистика тизими бир-бири билан узвий боғлиқлиги меҳнат унумдорлиги юқори бўлишига хиз-мат қилади. Илм-фаннинг сўнгги ютуқлари асосида жиҳоз-ланган физик ва кимёвий таҳлил лабораторияси сифат ва ҳавфсизлик омилдир.

Янги корхонада йилга ўн миллион қадоқда гепатопротектор, оғриқ қолдирувчи, иммунитетни қўнайитирувчи ва бош-қа таблетка, капсула, малҳам ва шарбат шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида четдан келтирилаётган йиғирма беш номдан зиёд дори воситаси-ни тайёрлаш маҳаллилаштирилади. Етмишдан ортиқ йи-гит-қиз иш билан таъминланади.

– Ўзбекистон бозорида ўн беш йилдан буён иш олиб бормоқдамиз, – дейди ЎЗА мухбирига “Shayana farm” фар-мацевтика компанияси бош директори Тивари Ашок Кумар. – Мамлакатингизда тадбиркорлик учун имтиёзлар кенгай-моқда. “Well med pharm” корхонаси 2021 йилгача ягона солиқ тўловидан озод этилди. Четдан ҳомашё олиб киришда бир қатор имтиёзлар берилди. Биз ҳам бу имкониятлардан са-марали фойдаланиб, тадбиркорликни янада кенгайтириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини қўнайитиришни ре-жалаштирмоқдамиз.

Б.ХИДИРОВА

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲЎҚУҚЛАРИ – ҚЊНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламдаги иқтисодий-ижтимоий ислохотлар шуни кўрсатмоқдаки, барқарор иқтисодий ўсиш ва юртимизнинг келажак истиқболи, аҳолиимизнинг ҳаёт даражаси кўп жиҳатдан хусусий мулк ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқдир.

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, хусусий мулк ва хусу-сий тадбиркорлик ҳар томонлама ўзининг афзалли-гини намойён этмоқда. Чўнки, тадбиркорлар учун сид-қидилдан меҳнат қилиш, ишлаб чиқариш ва молия-вий фаолият учун жавобгарлик, маблағлардан сама-рали фойдаланиш масъулияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини вақтинг ўзи кўрсатмоқда.

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлан-тириш ва мулкдорларнинг ҳўқуқларини ҳўмоия қилиш, уларга зарур шарт-шароит ва кафолатлар бериш бо-расида ишончли ҳўқуқий-меъёрий асослар яратил-ганлигини қайд этишимиз лозим. Улар қаторида Ўзе-бекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қўнунини ҳамда Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор Фармонлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу Қўнуннинг 18-моддасида хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳўмоиясида эканлиги кафолат-ланган бўлиб, тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳомашё, товарлар ва хизматлар бозорларида эркин киришда, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш-да тенг имкониятларга эга эканлиги мустаҳкамлан-ган.

Энг муҳими, давлат органлари ва уларнинг ман-сабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъект-ларининг қўнун ҳўжатларига мувофиқ амалга оши-рилаётган фаолиятига аралашиб ҳўқуқига эга эмас-лиги Қўнунда қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ри-вожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар то-монлама ҳўмоия қилишга ва ишбилармонлик муҳити-ни сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бугун барча дав-лат ҳўкимияти, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари учун дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Статистик маълумотларга қўра, 2017 йилнинг 1 ян-варь ҳолатига Тошкент шаҳри бўйича жами 56507 та ҳўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 55077 таси фаолият қўрсатмоқда. Айни вақт-да, турли сабабларга қўра ҳўжалик юритувчи субъект-ларнинг 4507 таси ўз фаолиятини тугатган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 октябрдаги Қарорига асосан жами 48673 та кичик бизнесга тегишли тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, шундан 47465 таси фаолият қўрсатаётганлиги, 1208 та тадбиркорлик субъектла-ри эса ҳар хил сабабларга қўра фаолият қўрсатаёт-ганлиги ва 4293 таси ўз фаолиятини тугатганлиги аниқланди.

Шаҳар прокуратураси органлари, маҳаллий давлат ҳўкимияти ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда тузилган ишчи гуруҳлари ёрдамида ўтган йилнинг ўзидида жами 361 та корхонанинг фаолияти тикланган бўлиб, тадбиркорлик субъектларининг келгуси фао-лияти учун тегишли шарт-шароитлар яратиб берил-ган. Бу ўз навбатида, 1168 та иш ўринлари яратили-шига имконият яратди.

Шунингдек, ҳўкуматимиз ва Тошкент шаҳар ҳўки-м-лигининг қарорлари асосида ташкил этилган техно-парклар орасида собиқ Тошкент тўқимачилик комби-нати ўрнидаги “Яккасарой технопарки” МЧЖ энг йи-риги ҳисобланиб, у 57,7 га ер майдонида жойлаш-ган, 50 та бино ва иншоотларни ўз ичига олган тех-ник-муҳандислик коммуникациялардан иборат. Бугун-ги кунда 177 та тадбиркорлик субъектига 10 йиллик инвестиция мажбурияти билан бинолар ижарага бе-рилган.

Сергели туманида ташкил этилган “Пойтахт техно-парк” МЧЖ умумий майдони 75,045 кв. метр бўлган биноларга эга бўлиб, 86 та тадбиркорлик субъектига биноларни ижарага берган.

Фаолият қўрсатаётган корхоналардаги бўш тур-ган бинолар, иншоотлардан унулли фойдаланилиши натижасида технопаркларнинг ўзиди мингдан ортиқ янги иш ўринлари ва тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитлар яратилганлиги эътиборга моликдир.

Тошкент шаҳар прокуратураси органлари томони-дан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган қўнунчилик ижроси устидан назорат амалга ошира борилиб, энг аввало маҳал-лий давлат ҳўкимияти, ички ишлар, солиқ, банк идо-ралари билан ҳамкорликда мулкдор ва тадбиркорлар билан очик мулоқотлар қўринишида учрашувлар ўтқа-зишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Очик айтиш керакки, давлатимиз ва ҳалқимиз тад-

биркорликни ривожланишидан манфаатдор, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи органлар эса бундан икки марота-ба манфаатдордир. Чўнки тадбиркорлар биринчидан, давлатни иқтисодий мустаҳкамлигини таъминласа, иккинчи томондан – аҳолини иш билан таъминлаб, уларни банд қилади, оилалар тинчлиги ва оёсайишта-лигини таъминлаб, ҳар хил ҳўқуқбузарликлар ва жи-ноятчиликнинг олдини олади.

Шу мақсадларда ўтган даврда кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик субъектлари билан жами 538 та учрашувлар ўтказилди, уларда 49 мингдан зиёд тад-биркорлар қатнашди.

Шунга қарамай, хусусий мулк, кичик бизнес ва ху-сусий тадбиркорлик соҳасида халқ-хануз турли маъ-мурий гов ва тўсиқлар сақланиб қолинаётганлиги, дав-лат идораларининг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатлари бузила-ётгани ҳақида очик-ойдин айтишимиз лозим.

Тадбиркорлик фаолиятида эркин иштирок этишга ва ундан манфаатдор бўлиши учун кафолатлар ҳамда шароитлар яратишга, уларнинг ишчанлик фаоллиги-ни оширишда, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳўқуқлари ва қўнуний манфаатлари-ни ҳўмоия қилиш йўналишида ўтказилган ўрганиш ва текширувларда жами 1175 та тадбиркорлик субъект-ларининг ҳўқуқлари ва эркинликлари бузилганлиги фикримизнинг далилидир.

Улар таҳлил қилинганида, назорат органлари то-монидан 12 та ноқўнуний текшириш, 3 та фаолиятга асоссиз аралашиб ҳолатлари маълум бўлди.

Шунингдек, 68 та ҳолатда лицензиялаш ва рўхсат бериш тўғрисидаги қўнун ҳўжатларини бузиш, 37 та ҳолатда давлат хизмати кўрсатиш тартибини бу-зиш, 747 та ҳолатда тадбиркорлик субъектларидан қўнун ҳўжатларини бузган ҳолда ҳўжатлар талаб қилиб олиш, 9 та ҳолатда ортиқча маблағлар унди-риш каби ноқўнуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйил-ган.

Албатта, ҳар бир аниқланган қўнунбузилиши ҳолат-лари бўйича тегишли прокурор назорати қўйилган-ган. Прокуратура органлари томонидан ўтган давр мобайнида ўтказилган 25 та текширув натижаларига қўра қўнунбузилиши ва уларни келтириб чиқарувчи шарт-шароитларни бартараф этиш зўжасидан 37 та тақдимнома ва 98 та протест келтирилган, 58 нафар шахс интизомий ва 32 нафар шахс маъмурий жавоб-гарликка тортилган.

Тадбиркорлар ҳўқуқларининг жиддий бузилиши-нинг 3 та ҳолати бўйича жиноят иш қўзғатилиб, даст-лабки тергов ҳаракатлари олиб борилиб ва суд на-тижалари бўйича айбдор мансабдор шахслар жино-ий жавобгарликка тортилди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқларини ҳўмоия қилишда судга ариза киритиш ваколатидан кенг фой-даланилмоқда. Шу мақсадларда суд органларига тад-биркорлик субъектларининг ҳўқуқ ва манфаатларини ҳўмоия қилиш борасида жами 24 та ариза киритилди ва барчаси суд органлари томонидан қаноатлантири-либ, тадбиркорлар фойдасига 1,5 млрд. сўм унди-рилди.

Юқоридаги ва бошқа қўйилган чоралар натижаси-да 199 та тадбиркорлик субъектларининг ҳўқуқлари амалда тикланишига эришилди.

Шу ўринда, тадбиркорлар эътиборига қўйидаги-ларни ҳам ҳавола этмоқчимиз. Прокурор назорати шуни кўрсатмоқдаки, назорат қилувчи органлар то-монидан тадбиркорлик субъектларида қўнуний асос-ларда ўтказилган текширишларда назорат-касса ма-шиналарини қўллаш, нақд пул маблағларининг банк-дан ташқари муомаласи, савдо қўдаларининг бузи-лиши билан боғлиқ қўллаб қўнунбузилишлар аниқ-ланган.

Конституциямиз ва қўнунларимизда тадбиркорлик субъектларига қўллаб ҳўқуқлар ва имтиёзлар бери-лаётган бир пайтда, тадбиркорлар томонидан қўнун-бузилишларига йўл қўйилиши эътирозларга ҳам са-баб бўлмоқда. Унутмаслик керакки, ҳўқуқ борки, маж-бурият ҳам бор. Бундан тадбиркорларимиз ҳам тўғри хулоса чиқаришлари лозим.

Зеро, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш бу касб эгаларидан нафақат ақл-заковат, билим ва қўч-қудратни, балки қўнунларга итоат этишни ҳам та-лаб қилади.

**Бахтиёр ПАЙЗИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси қўнунчилик
ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи,
адлия маслаҳатчиси**

</

Болалар спортини

Фарзандлари соғлом
юрт қудратли бўлур

Серқуёш юртимизнинг келажаги ҳақида гап борар экан, энг аввало, фарзандларимизнинг маънан етук, жисмонан бақувват ва баркамол авлод сифатида вояга етишларини таъминлаш муҳим вазифалардан биридир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали ва унинг туманлардаги вакиллари томонидан амалга оширилаётган ишлар аллақачон самара бера бошлагани ҳам барчага маълум.

Хусусан, Мирзо Улуғбек туманида ўқувчи-ёшларни соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида бирмунча ишлар амалга оширилмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, туманда 2003-2016 йиллар мобайнида жамғарма маблағлари ҳисобидан 20 та спорт иншоотлари фойдаланишга топширилган. Шундан 8 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари янгидан қурилиб болалар ихтиёрига топширилди, 5 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, 4 та болалар мусика ва санъат мактаблари ҳам қайта таъмирланди. Жамғарма фаолият бошлаганидан буён тумандаги болалар спорт иншоотларига, спорт мактабларига, умумтаълим масканларига 1,643 миллион сўмлик 120 турдаги, умумтаълим мактабларига 34 турдаги спорт жиҳозлари, спорт билан шуғулланувчи қизлар учун 16,6 миллион сўмлик спорт кийимлари ажратилди ва тўхфа этилди. Туманимиздаги умумтаълим мактабларидаги спорт тўғрақлари 32 турдаги спорт жиҳозлари билан таъминланган. Туманимиздаги болалар спорт объектларида ёшларга спорт сирларини 318 нафар ўқитувчи-мураббийлар (шундан 120 нафари аёллар) ўргатиб келишмоқда. Фарзандларимизнинг спортни профес-

сионал тарзда ўрганишларида 171 нафар мураббийларнинг (40 нафари аёллар) хизмати катта бўлмоқда. Мураббийларимизнинг 142 нафари олий маълумотга эга бўлган мутахассислардир. Умуман олганда умумтаълим мактабларида, академик лицей ва касб-хунар коллежларида 147 нафар ўқитувчилар болаларни спорт билан шуғулланишларига ёрдам беришмоқда. Бу мутахассисларнинг 80 нафарини аёллар ташкил қилади. Дарвоқе, спорт мураббийлари спорт турлари бўйича федерациялар томони-



тин, 27 таси қумуш, 36 таси бронза медалларини қўлга киритишди. Мамлакат миқёсидаги мусобақаларда иштирок этган туманимизнинг 543 нафар ёшларидан 98 тасига 1-ўрин, 81 тасига 2-ўрин, 76 тасига 3-ўрин насиб этганлиги қувонарли, албатта. Ёшларимиз халқаро му-

нинг Нанкин шаҳрида бундан 2 йил аввал ўтказилган ўсмирлар олимпиадасида ҳам фахрли 3-ўринни қўлга киритиб, Тошкентга бронза медали билан келганди. Албатта, бу ютуқлар унинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат. Универсал жанг бўйича Россияда 15 ёшли қизлар ўртасида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида қатнашган 2-БЎСМ тарбияланувчиси Мунира Абдуллаеванинг олтин медалга соҳиббаси бўлганлиги ҳам ёшларимизнинг спорт сирларини ўрганишга иштиёқлари баланд эканлигидан далолат. Албатта, ёшларимизнинг бу муваффақиятлари замирида жамғармаимиз томонидан юртимизнинг маҳоратли спортчилари иштирокида мунтазам уюштирилаётган маҳорат сабоқларининг аҳамияти бекиёс.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш ёшларни камолотга етаклайди. Спорт сирларидан хабардор бўлган инсондан эса ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолияти ҳам айнан мана шу эзгу мақсадга қаратилган.

Дониёр ҚУРБОНОВ,
Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Тошкент шаҳар филиали Мирзо Улуғбек туман вакили, бош мутахассис

Жамғармалар фаолиятдан

БАРКАМОЛ АВЛОД –
ЮРТИМИЗ ТАЯНЧИ

дан ташкил этиладиган семинарларда мунтазам қатнашиб ўз малакаларини ошириб бормоқдалар.

Ўтган йили туманда спорт билан шуғулланаётган ёшлар ўртасида 50 марта турли спорт тадбирлари уюштирилиб, унда 9562 нафар ёшлар (5150 нафар қизлар) қатнашди.

Шаҳримиз миқёсида уюштирилган спорт мусобақаларида қатнашган 687 нафар ёш спортчиларимизнинг 22 таси ол-

собақаларда ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишмоқда. Халқаро турнирларда қатнашган 142 нафар туманимиз ёшларининг 15 таси 1-ўринни, 13 таси 2-ўринни, 15 таси 3-ўринни қўлга киритгани қалбларимизга шодлик улашди. Туманимиздаги БЎСМ тарбияланувчиси Темур Қодиров спорт гимнастикаси бўйича уюштирилган қитъа биринчилигида иккинчи ўринни эгаллаганида қалбимиз қувонча тўлганди. Айнан Темур Хитой-

КУБОК КИМГА НАСИБ ЭТАДИ?

Қизларни спортга кенг жалб этиш мақсадида 2014 йилдан буён Шайхонтоҳур туманида гимнастрада бўйича туман ҳокими кубоги мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом этди. Туман миқёсидаги мактабгача таълим муассасалари, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари, олий таълим масканлари, маҳаллада яшовчи уй беклари, корхона-ташқилотлар вакиллари иштирокида туман ҳокимлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Тошкент шаҳар филиали ва Шайхонтоҳур туман бўлими ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган гимнастрада мусобақалари қизгин давом этди. Апрельда яқиндаги таъдир ушбу мусобақада аввалига 42 та мактабгача таълим муассасаларининг 455 нафар

тарбияланувчилари иштирок этишди. Тумандаги 447, 445, 484, 461, 171, 75, 27, 448, 259-сонли мактабгача таълим муассасалари вакиллари финал босқичига йўлланма олиб, ўзаро беллашишга ҳозирлик қўришмоқда. Умумтаълим мактаблари ҳамда ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида гимнастрада мусобақалари бошланди. Апрель ойида Ўзбекистон Давлат циркида уюштирилаётган мусобақанинг финал босқичида ғолиб бўлганларга туман ҳокими қўйма кубоги ва эсдалик совғалари топширилади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Ёш чемпионлар

ҲУМОЮННИНГ ЁРҚИН
ОРЗУЛАРИ

Спорт турлари орасида юнон-рум курашига қизиқадиган ёшлар кўпчиликти ташкил этади.

Инсондан матонат абжирликни, зукколигу ўта ҳушёрликни талаб этувчи юнон-рум кураши лавҳамиз қаҳрамони Хумоюн Маҳмудовни ўзига жуда эрта ром этди, қўйди.

Кунларнинг бирида телеэкран орқали юнон-рум кураши бўйича намойиш этилаётган Ўзбекистон чемпионатини кузатиб ўтирган Хумоюн ушбу спорт тури билан шуғулланишга истаги пайдо бўлди. Чунки совринли ўринлар учун курашга тайёргарлик қилиш қўйғанди.

– Дадажон, мени спорт мактабига олиб бориш, – отасига юзланди Хумоюн.

– Нега ўғлим? – телевизордаги мусобақани кўриб ўтириб хаёли бўлинган ота Хумоюнга юзланди.

– Мен ҳам полвон бўламан. Ўғлининг бу жавобидан очиги Дилмурод ака хурсанд бўлди. “Ўғлим юнон-рум кураши билан шуғулланса яхшику кучли бўлиб вояга етати. Тенг-курларига қараганда жисмонан бақувват. Ажабмас, келажакда чемпион бўлса”, хаёлидан ўтказди Дилмурод ака.

Эртасига ота-бола ўзлари истиқомат қилаётган Сергели туманидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига (БЎСМ)га боришди. Спорт залида юнон-рум кураши билан шуғулланаётган болаларнинг хатти-ҳаракати яна Хумоюнни ўзига қаратди. Хумоюннинг юнон-рум курашига қизиқиши кучли эканлигини пайқаган мураббий Акбар Вакилов ота-болага пешвоз чиқди. Шу кундан эътиборан Хумоюн юнон-рум кураши сир-асрорларини мураббий кўмагида кунт билан ўргана бошлади. Унинг меҳнат-севарлиги, тиришқоқлиги Акбар Вакиловни бефарқ қолдирмади. У шогирдига юнон-рум кураши сир-асрорларини ўзгача бир иштиёқ билан ўргата бошлади. Чунки шогирд ҳар бир топшириқни мукамал адо этишга ҳаракат қилар, машғулотларда янги усуллари тез ўзлаштиришга интиларди. Хатто, машғулотда топширилган вазифа кўнгилдагидек чиқмаса Хумоюн уйига кетмай мустақил равишда юнон-рум кураши билан шуғулланарди.

Хуллас бу интилиш Хумоюнга аста-секин муваффақият келтири бошлади. У аввалига Сергели тумани миқёсидаги турнирларда, кейинчалик шаҳар ва республика чемпионатларида совринли ўринларни эгаллади.

Хозирда 16 ёшдан ошган Х.Маҳмудов спорт усталигига номзод. Унинг ёш бўлишига қарамадсан Тошкент шаҳар ҳамда Ўзбекистон чемпионатларида бир неча бор ўз вазн тоифасида ғолиб ва совриндор сифатида қўлга киритган совринлари жуда кўп.

Дарвоқе, спорт Хумоюннинг ўқишига асло халал бермади. У Сергели туманидаги 284-умумтаълим мактабини аёло ва яхши баҳолар билан тугаллаб, ҳозирда Сергели политехника касб-хунар коллежида таҳсил олмоқда. Шу билан бирга қаҳрамонимиз ҳамон Сергели туманидаги БЎСМда юнон-рум кураши билан шуғулланмоқда. Энди унга тажрибали мутахассис Равшан Рўзиқулов устозлик қилмоқда.

Келажакда Хумоюннинг орзулари бисёр. У юнон-рум кураши бўйича қитъа, жаҳон чемпионатларида, Олимпиада ўйинларида қатнашиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга аҳд қилган.

Биз эса Хумоюнга, “Орзуларинг амалга ошсин, омад, муваффақият, зафарли галабалар ҳаммиса сенга ёр бўлсин”, деймиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Фармон ва ижро

ШОШИЛИНЧ
ТИББИЙ ЁРДАМ
ТАКОМИЛЛАШАДИ

Инсон саломатлигини асраш, халқимизга кўрсатилётган тиббий ёрдам сифати ва самарадорлигини янада ошириш, аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасини соқлаш тизими олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, халқимизни рози қилиш учун, аввало, аҳолининг сифатли тиббий хизматга бўлган талабини қондириш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 январь ва 7 февраль кунлари солиқлиқ сақлаш соҳаси вакиллари билан учрашувларида тизимдаги мавжуд ҳолат чукчур танқидий таҳлил этилиб, муаммоларни ҳал этиш йўллари белгилан берилди.

Президентимизнинг 2017 йил 16 мартдаги “Шошилиш тиббий ёрдамини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони тиббиётнинг муҳим бўлини бўлган шошилиш тиббий ёрдам тизимидаги ислохотларни давр талаби ва аҳоли эътиёжидан келиб чиқиб янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда аҳолига шошилиш ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ўзига хос инфраструктура яратилди. Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази ва унинг вилоятлардаги филиаллари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари қошидаги бўлимлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги тез тиббий ёрдам хизмати станциялари ва санитар авиация хизмати халқимиз саломатлиги йўлида фаолият юритаётди.

Шошилиш тиббий ёрдам тизимида йилга 600 мингдан зиёд беморга юқори малакали стационар ва 1 миллиондан ортиқ беморга амбулатор ёрдам ҳамда 7 миллиондан зиёд қаҳир қўйишга хизмат кўрсатишмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига 2016 йилда 850 мингдан зиёд қаҳир қўйиш бўлиб, Муҳожаат қилганларнинг ўттиз фоизга яқини шифохоналарга ётқизилган бўлса, қолганига уйда тез тиббий ёрдам кўрсатилди. Тизимда жаҳон тиббиётининг илғор услубларини жорий этиш, автотранспорт паркинчи такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Фармонда шошилиш тиббий ёрдамининг замонавий, юқори технология ва самарали тизимини шакллантириш, соҳада илмий, методологик ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, халқаро ҳамкорлигини кенгайтириш, тез тиббий ёрдам фаолиятига илғор технологияларни ва иш услубларини жорий этиш борасида аниқ вазифалар белгиланди.

Шошилиш тиббиёт соҳасида профилактика, диагностика ва даволаш усуллари ва технологиялари самарадорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш, тавсияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш асосида шошилиш тиббий ёрдам хизматларининг бошқа вазирлик ва идоралар шошилиш хизматлари билан ўзаро тезкор ҳамкорлиги самарали механизмларини жорий этиш, кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу чора-тадбирларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этиш ҳар биримизнинг зиммामизга алоҳида масъулият юклатмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бугунги кунгача Тошкент шаҳар солиқлиқ сақлаш бош башқармаси тизимида фаолият юритаётган эди. Фармон асосида 2017 йил 1 апрелдан бошлаб муассасамиз юридик шахс макomini сақлаган ҳолда тарихий бўлини сифатида Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказига бириктирилди. Бундан мақсад шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож инсонларнинг ҳаёти ва саломатлигини асраш, шифохонгача бўлган босқичда ва шифохонада тиббий ёрдамини узвий боғлиқ ҳолда ташкил этиш, тиббиёт ангиликларини чуқур ўзлаштириш ва кенг оммалаштиришдир.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси тизимида ҳар кун бир юз олтидан зиёд бригада навабчилик қилади. Яқинда станцияга 20 дан ортиқ янги “Dama” амбуланс машинаси ажратилди. 2017 йил давомида яна ўн та реанимобиль етказиб бериш режалаштирилган.

Фармон асосида тез тиббий ёрдам қўйма бригадаларини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва сарфлаш материаллари билан таъминлашни молиялаштириш ҳажми 2017 йилда 2 бараварга оширилди. Чунки шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож беморнинг ҳаётини асраш, саломатлигини тиклашда қаҳир қўйишга ўз вақтида етиб бориш баробарида дори-дармон ва тиббий технологиялар ҳам муҳим омил ҳисобланади.

Бу вазифаларни тўлиқ ижро этиш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўйруғи асосида тез тиббий ёрдам хизмати дори қутисида бўлиши шарт бўлган дори-дармон воситаларининг рўйхати қайта қўйиб чиқилди ва талаб даражасида такомиллаштирилди.

Тез тиббий ёрдам хизмати сифатини оширишда муҳим аҳамият касб этадиган яна бир йўналиш – хизмат машиналарининг замонавий алоқа воситалари билан таъминланиши. Хозирги пайтда барча тез тиббий ёрдам машиналарида GPS қўзғув тизими жорий этилган, рақиялар ўрнатилган.

Фармонда ягона маълумотлар базаси ва маълумотларни узатиш тармоқини яратган ҳолда тез тиббий ёрдам бригадаларининг фаолиятини тезкор бошқариш ва мувофиқлаштириш тизимини Марказ ва унинг ҳудудий филиалларининг мувофиқлаштирувчи-диспетчерлик хизматлари фаолиятини ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Фармонга биноан, шошилиш тиббий ёрдам тизимида замонавий илмий-техник ютуқлар ва ахборот-коммуникация технологиялари янада кенг қўлланилади, шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш тизимининг бошқа вазирлик ва идораларнинг шошилиш хизматлари билан тезкор ҳамкорлигини таъминлаш бўйича замонавий механизмлар татбиқ қилиниди, кадрларни тайёрлаш борасида илғор усуллар жорий этилади.

Бу чора-тадбирлар соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни янги босқичга олиб чиқиш, аҳолининг тиббиёт тизимида ишончини ошириш, халқимизнинг розилигига эришишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Даврон СУЛТОНОВ,
Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станцияси бош шифокори
ЎЗА



Тошкент шаҳрида 24 март кунини ҳаво ўзаро турлади, ёнғинларчилик бўлмади. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 20-

22 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра,

24 мартда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратди, ифосланиш даражаси паст бўлади.

Келажакимиз ворислари – фарзандларимизнинг энгил атлетика спорт турларига қизиқишларини янада кучайтириш мақсадида Миробод туманидаги “Юксалиш” маҳалласи ҳудудида спорт ўйинлари ва энгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби (ИБЎСМ) бунёд этилиб фойдаланишга топширилди.

Спорт масканларида

ТЕРМА ЖАМОАГА
НОМЗОДЛАР
ТАЙЁРЛАНАДИ

Таъкидлаш жоизки, ушбу спорт иншоотининг аввалги биноси Учтепа туманида жойлашган эди. Спорт мактабининг фойдаланишга топширилган янги биноси замонавий русумда бунёд этилган. Спорт иншоотида 160 ўриндиқли 48х24 ҳажмдаги спорт зали мавжуд. Бундан ташқари 110х70 ҳажмдаги очик турдаги футбол майдони болалар хизматида. Ушбу маскан ичимлик суви, электр, иситиш, канализация, муҳаббатлик тармоқлари, кийиниш, ювиниш хоналарини ўз ичига қамраб олган. Бир сўз билан айтганда ўқувчи-ёшларнинг спорт билан профессионал даражада шуғулланишлари учун бу ерда барча қулайликлар, шарт-шароитлар муҳайё қилинган.

Спорт масканида ўқувчи-ёшлар спортнинг энгил атлетика турлари ҳамда баскетбол, волейбол, гандбол, футбол, регби, стол тенниси сир-асрорларини пухта ўзлаштириш имкониятига эгалар. Спорт мактабида ёшларга юқорида санаб ўтилган спорт турларини 34 нафар тажрибали мураббийлар (14 нафари аёл) кунт билан ўргатишади.

Мактабда жами 757 нафар ёшлар (162 нафари қизлар) спорт билан мунтазам шуғулланади. Мактаб тарбияланувчиларининг 65 нафари миллий терма жамоа аъзолари, 18 нафари эса Ўзбекистон миллий терма жамоасининг захира таркиби аъзоси ҳисобланади.

Мактаб спорт залини жаҳон стандартларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминлаш мақсадида Республика баскетбол ва стол тенниси федерациялари билан ҳамкорлик асосида Германияда ишлаб чиқарилган (SHELDE) 2 та баскетбол шитлари ҳамда Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган (INC) 4 та теннис столлари ёш спортчилар ихтиёрига узок муддатда берилган.

Хуллас ғамхўрлик ва эътибор ўз самарасини бермоқда. Мактабимиз тарбияланувчилари халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқдалар. Мисол учун ўтган йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказилган XV ёзги Паралимпия ўйинларида иштирок этган мактабимиз тарбияланувчиси Александр Свечников олтин медал соҳибига айланган бўлса, яна бир иштироки мураббий Сафия Бурхоновага Паралимпия ўйинларининг қумуш медали насиб этди.

Хулоса қилиб айтганда мунтазам равишда мамлакат чемпионатлари, Ўзбекистон Кубоги ҳамда Тошкент шаҳар биринчиликларида иштирок этадиган мактабимиз тарбияланувчилари орасидан Ўзбекистон миллий терма жамоамизга номзодлар саралаб олинади.

Баҳодир МАМАТНАЗАРОВ,
Миробод туманидаги спорт ўйинлари ва энгил атлетика бўйича ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директор ўринбосари

“ТОШКЕНТ ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барчангизни азалий қадриятларимиз тимсоли ҳисобланмиш
Наврўз умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этади!
Байрам шукуҳи дилларимизга баҳорий илиқлик,
хонадонларимизга файзу барака, озод ва обод
юртимизга фаровонлик олиб келишига тилакдошимиз.
Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларингизда омад ёр бўлсин!

“PGS” ХУСУСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини,
тадбиркор ва ҳамкорларини
баҳор байрами бўлмиш – Наврўзи олам билан чин
дилдан табриклайди!
Оилангизга тинчлик-тотувлик,
барчангизга сиҳат-саломатлик ва ишларингизда
зафарлар тилаймиз.

Шунингдек, бўлмачи эдикки, “PGS” кичик новойхоналар, электр ўчоқлар, эл. қўралар,
эл. сауналар, иситкичлар, электр тандир ва бошқа турли хилдаги электр жиҳозларни
ишлаб чиқаради.



Сайт: www.pgs.uz, e-mail: pgs@yandex.ru
Телефонларимиз: 279-38-54, 279-45-70, Факс: (+99871) 279-95-28.
Махсус сертификатланган.

ҚАДРЛИ ҲАМЮРТЛАР!

Табиатга илиқлик, кўнгилларга ёруғлик бахш этган айём —
Наврўз байрами муборак бўлсин!
Ватан равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган
юртдошларимизнинг ишига ривож, хонадонига қут-барака
тилаймиз. Ҳар бир эзгу ишларингизда омад қулиб боқсин!

ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР “ISROILOV BAKTIYOR ANAROVICH”

Бектемир тумани ТСРҲИ томонидан 2015 йил 2 мартда 001586-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган
“DAVRIY ROCHTA” шўба корхонаси ва 2015 йил 17 сентябрда 001379-02-сонли реестр рақами билан рўйхатга
олинган “MATBUOT EKSPRESS” масъулияти чекланган жамияти 2017 йил 17 мартдаги йиғилиш баённомасига
асосан Тошкент вилояти Зангиота тумани ТСРҲИ томонидан 2011 йил 2 мартда 2513-сонли реестр рақами билан
рўйхатга олинган “MATBUOT DAVRIY NASHRLARI” масъулияти чекланган жамиятига қўшилмоқда. Давволар Бекте-
мир тумани, Ҳ.Бойқаро кўчаси, 35-уй манзилида ва 233-32-61 телефон рақами орқали қабул қилинади.
“MATBUOT DAVRIY NASHRLARI” масъулияти чекланган жамияти келгусида “DAVRIY ROCHTA” шўба корхонаси
ва “MATBUOT EKSPRESS” масъулияти чекланган жамиятининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан ҳуқуқий
ворисликни ўзига қабул қилади.

Баҳор, яшариш ва янгиланиш айёми, она табиатнинг
уйғониш фасли мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом,
самарали ижод манбаидир. Ўзбекистон Бадий
академияси Марказий кўргазмалар залида ташкил этилган
“Наврўз – 2017” номли бадий кўргазмада ана шу
жиҳатлар яна бир карра ўз ифодасини топган.

БАҲОР РАССОМЛАР НИГОҲИДА

Ўзбекистон Бадий академияси раи-
си А.Нуриддинов ва бошқалар мамла-
катимизда ибратли анъана ва қадри-
ятларни кўз қорачигидек асраб-авай-
лаш, уларнинг бардавомлигини таъмин-
лаш доимий эътиборда эканини таъ-
кидлади. Давлатимиз раҳбари Шавкат
Мирзиёев томонидан халқимиз оғири-
ни энгил қилиш, муносиб турмуш ша-
роитларини яратиш, ҳаётимизни яна-
да тўқин ва фаровон этиш борасидаги
эзгу ташаббуслар Наврўз айёми зами-
ридаги меҳр-муруват, саховат, бағри-
кенглик ғояларига уйғун эканини барча
юртдошларимиз кайд этмоқда.

— Кўкларнинг ажиб таровати, гўзал-
лигини акс эттириш қизиқарли, айни
пайтда мураккаб жараён, — дейди му-
саввир Ҳасан Мирзааҳмедов. — Бунинг
сабаби шундаки, баҳорий манзаралар-

да ранглар палитраси ғоят ранг-бар-
анг ва бетакрордир. Уни санъат му-
ҳлисларига етказиб бериш, томошбин-
нинг она табиатга меҳри, эҳтироми,
хайрати ва ҳавасини тасвир орқали
ифодалаш рассомга катта масъулият
юклайди.

Кўргазмада рассомларнинг баҳор
айёмига бағишланган юзга яқин ранг-
тасвир ва графика асарлари томоша-
бинлар эътиборига ҳавола этилган.
А.Мирсоатов, Д.Мамедова, И.Шин,
О.Собиров, А.Алиқулов, В.Трошина
каби ижодкорларнинг янгиланиш фас-
ли, табиатнинг уйғониши, миллий анъ-
ана ва қадриятларимиз акс эттирил-
ган картиналари томошабинларга ман-
зур бўлмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ФАЙЗИ ВА ТАРОВАТИ ЎЗГАЧА

Гўзал ва бетакрор, муқаддас она Ватанимиз — шоирона
таърифлаганда сал кўрмаса Қуёш ҳам соғинадиган, қишларида
баҳор шивирлайдиган мафтункор юртимизга кириб келган
баҳор, гўзаллик, нафосат, саховат, меҳр-муруват айёми
бўлмиш Наврўзи олам шодиёналари пойтахтимизнинг Олмазор
туманидаги “Истиклол” маҳалласида ҳам ажойиб тарзда
нишонланди.

Эрта тонгданоқ бу сўлим ва қутлуг гўша-
га қадрли ва азиз меҳмонлар кела бошла-
ди. Хушовоз хонанда Ўзбекистон халқ ҳофиз-
и ўқтам Аҳмедов ижро этган мумтоз
қўшиқлар байрамга алоҳида кўтаринкилик
бағишлади. Тўқин дастурхон атрофига
тўпланганлар ўзаро гурунглашиб бу йилги
Наврўзи оламнинг нашоу намоси ўзгача
эканлигини, баҳор айёми юртимизга қувонч
ва шодиёналар олиб келганлигини мам-
нун бўлиб қайд этдилар, баҳорий таом-
лардан баҳраманд бўлдилар.

— Бизнинг маҳалламиз Наврўз байрами
сингари қадимий ва бой тарихга эга. Шу
боисдан ҳар йили нишонланадиган бундай
айёмга кўтаринки руҳда, пухта тараддуд
билан келдик, — дейди “Истиклол” маҳал-
ла фуқаролар йиғини раиси Бобур Гойи-
назаров. — Давлатимиз раҳбари ташаб-

буслари билан 2017 йилнинг Халқ билан
мулоқот ва инсон манфаатлари йили деб
аталгани халқимиз дилидаги айни мудида
эканлигини таъкидлаб, бу йилги Наврўзи
оламнинг файзи ва таровати ўзгача бўла-
ётганининг, ўшбу байрамнинг умумхалқ
сайиллари тарзида нишонланаётганлиги-
нинг ҳам миллий қадриятларимиз юксак
эъзоз топаётганлигининг ёрқин далилидир.

Маҳалла оқсоқолининг юқорида айтган
гапларига шу маҳаллада истиқомат қила-
диган филология фанлари номзоди Со-
диҳон Ёқубов қуйидагиларни қўшимча
қилди:

— Илмий изланишларим пайтида ҳар гал
бизларни соғинтириб келадиган Наврўз
байрамининг тарихи билан ҳам қизиққан-
ман. Бу қадимий ва ардоқли, боқий айём
солномаси бир неча минг йилликларга бо-

риб тақалади. Истиклол йилларида эса бу
байрамнинг қадри, нуфузи янада улуглан-
ди. Эндиликда 21 март — Халқаро Наврўз
куни сифатида севиб нишонланадиган
қутлуг санага айланди. Биргина бизнинг
маҳалламиз мисолида ҳам бунга яққол
гувоҳ бўлиб турибмиз. Чиндан ҳам Наврўз
халқимизнинг суюкли ва ардоқли, умум-
халқ, миллий байрамга айланди. Бу нар-
са дилларга қувонч ва ғурур бағишлайди.

Дарҳақиқат шундай. Сўхбатдошларимиз-
нинг сўзларида бир олам маъно мужас-
сам. Тинч ва осойишта, осмони мусаффо
юртимизга шундай байрамлар ярашади. Шу
боисдан ҳам бу айёмга таъкидлаб ўтилган-
идек, пухта тараддуд қўрилди, маҳаллада
ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида
ҳамма фаоллик кўрсатди, қўллаб ободон-
лаштириш ва қўламаздорлаштириш ишла-
ри амалга оширилди. Байрам шукуҳи ҳар
бир хонадонга кириб борди. Ёши улуг кек-
саларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилиб эъзоз-
ланди, беморлар кўнгли кўтарилди, сахо-
ватпеша инсонлар ҳиммати билан уларга
совға-саломлар улашилди. Нуруний ота-
хону мунис онахонлар қўлларини дуога
очиб шундай доруломон, ёруғ кунларга ет-
казгани учун Яратганга шукроналар айт-
дилар.

Солиҳ ЁҚУБЖОНОВ

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: 233-28-95,
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари буйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақланган.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 335

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқadi
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
12959 нускада босилди.
Қозғоқ бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

Босишга тошпирилди: 14.30

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ